



ТОШКЕНТ

ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 10 (13.857)

Баҳоси эркин нарҳда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЁҒ-МОЙ ТАРМОҒИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ВА СОҲАНИ БОШҚАРИШДА БОЗОР МЕХАНИЗМЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатда ёғ-мой тармоғини ривожлантириш, аҳоли эҳтиёжини янада тўла-роқ қондириш мақсадида ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш ва тайёр маҳсулотлар ассортиментларини кўпайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, ҳақиқий ҳолат шуни кўрсатадики, ёғ-мой тармоғини бошқаришнинг ягона тизимининг йўлга қўйилмаганлиги, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини назорат қилиш механизмнинг самарасизлиги билан боғлиқ муаммоларнинг мавжудлиги илгор технологияларни ўзлаштиришга, инвестицияларни жалб қилиш ва тармоқнинг жадал ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Хом ашё базасининг чегараланганлиги оқибатида тармоқ корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси 50 фоиздан ошмайдиган бўлиб, бу давлат иштирокидаги ёғ-мой корхоналар фаолиятининг самарадорлиги ва рақобатбардорлигининг пасайишига олиб келмоқда.

Иқтисодиётда давлатнинг иштирокини янада қисқартириш, республика ёғ-мой тармоғининг инвестициявий жози-

бадорлигини ошириш ва соҳага замонавий технологияларни жорий қилиш учун шароит яратиш мақсадида:

1. Ёғ-мой саноати корхоналари, "Ўзпахтаёғ" АЖ, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлигининг (кейинги ўринларда – Агентлик);

"Ўзпахтаёғ" АЖ негизда **Ўзбекистон Республикаси ёғ-мой саноати корхоналари уюшмасини** (кейинги ўринларда – "Ўзёғмойсаноат" уюшмаси) ташкил этиш ҳамда унга "Ўзпахтаёғ" АЖга тегишли бўлган мол-мулк ва бошқа маблағларни, шунингдек, дебитор ва кредитор қарздорликларни ўтказиш, "Ўзпахтаёғ" АЖга тегишли ҳўжалик жамиятларининг устав капиталидаги кўчмас мулк ва акциялар пакети (улуши) бундан мустасно;

ҳўжалик жамиятларининг устав капиталидаги "Ўзпахтаёғ" АЖнинг **акциялар пакети (улуши)**ни 1-иловага мувофиқ Агентликка **ўтказиш тўғрисидаги** қарорини қабул қилиш.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ТАЪЛИМ СИФАТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Таълим сифатини назорат қилиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги "Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5538-сон Фармонида мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси (кейинги ўринларда – Давлат инспекцияси) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 1 мартдан бошлаб **хорижий давлатларда берилган таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ва нострификация қилиш (эквивалентлигини қайд этиш) тартибини жорий этиш бўйича** қўйидагиларни назарда тутувчи:

а) Ўзбекистон Республикаси ҳудудда алоҳида бўлинмалари (филиаллари) ва қўшма таълим муассасалари фаолият юритаётган хорижий таълим муассасаларида таълим олган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг (кейинги ўринларда – фуқаролар);

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Давлат инспекциясининг қўшма қарори билан

рўйхати ҳар йили тасдиқланадиган халқаро эътироф этилган ташкилотларнинг (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education, Academic Ranking of World Universities) рейтингидида олий таълим муассасалари орасида биринчи 1 000 ўринни эгаллаган хорижий олий таълим муассасаларида таълим олган фуқароларнинг; тасарруфидида олий таълим муассасалари бўлган Ўзбекистон Республикаси вазирлик ва идораларининг йўлланмалари асосида мутахассисларни мақсадли тайёрлаш учун хорижий давлатлар томонидан ажратилган квоталар (грантлар) ҳисобидан таълим олган фуқароларнинг; 1992 йил 1 январгача хорижий таълим муассасаларида ўқишга кирган фуқароларнинг;

Олий таълимда сифатни кафолатлаш Европа ассоциациясининг (European Association for Quality Assurance in Higher Education) тўлақонли аъзолари – ваколатли ташкилотлар томонидан аккредитация қилинган таълим муассасаларида таълим олган фуқароларнинг, рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган йўналишлар, мутахассисликлар ва касблар бундан мустасно;

(Давоми 2-бетда)

ФАОЛ ИНВЕСТИЦИЯ СИЁСАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЖОРИЙ ЙИЛДАГИ ЎСТУВОР ВАЗИФА

**Миллий матбуот марказида
Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлиси Сенати Халқаро
муносабатлар, ташқи иқтисодий
алоқалар, хорижий инвестициялар ва
туризм масалалари қўмитасининг 2018
йилдаги фаолиятининг ўстувор
йўналишларида бағишланган матбуот
анжумани ўтказилди.**

Унда таъкидланганидек, қўмита томонидан Олий Мажлис Сенатининг 14-17 ялпи мажлисларида кўриб чиқиш учун 20 та қонун киритилди, 5 марта вазирлик ва идоралар раҳбарларининг ахборотлари эшитилди.

2018 йилда қўмита томонидан бир қатор тadbирлар ташкил этилди. Эксперт ҳамжамияти вакиллари ва халқаро миқёсдаги мутахассислар иштирокида ўтказилган ушбу тadbирлар яқунларига кўра, тегишли "Йўл хариталари" ва давлат дастурларига таклифлар тайёрланди.

Тошкент шаҳрига инвестицияларни жалб қилиш қўмита назоратидаги муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Хусусан, бу йўналишда Олий Мажлис Сенати ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган "Йўл хариталари"га мувофиқ Сенат, тегишли вазирлик ва идоралар, компания ва агентликлар билан биргаликда Тошкент шаҳрида инвестиция лойиҳаларини туманлар иқтисодиётига киритиш масаласида назорат ишлари олиб борилмоқда.

Қайд этилганидек, Сенатда хорижий ҳамкорлар билан 117 та уchrашув ўтказилди. Шунингдек, Сенат аъзоларининг чет давлатларга 47 та сафари ташкил этилди. Ташрифлар доирасида 6 ҳужжат имзоланди. Сенат Раисининг 2018 йил ноябрь ойида Россия Федерациясига расмий ташрифи чоғида Москва шаҳрида Россия парламентининг аъзолари ва етакчи компаниялари вакиллари иштирокида савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш масалаларида бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизда зиярат туризмининг янада ривожлантириш масаласи ҳам муҳокама этилди.

2018 йил Ўзбекистон Республикаси парламенти делегациясининг Беларусга ташрифи давомида Ўзбекистон ва Беларусь тadbиркорлари билан ўтказилган давра суҳбати яқунлари бўйича енгил саноат, озиқ-овқат ва машинасозлик, савдо-сотиқ ва туризм соҳаларида 14,6 миллион долларлик келишувларга эришилди.

2019 йил Давлат дастурида белгиланган фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш ва инвесторлар ишончини оқлаш, жаҳон бозорларига интеграция қилиш ва экспортни қўллаб-қувватлаш, маданият, спорт ва туризмни янада ривожлантириш каби қатор йўналишларда тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш, бунда парламент назоратининг самарали механизmlарини қўллаш қўмита фаолиятининг асосини ташкил этади.

Жорий йилдаги режалар орасида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар ва Ташқи савдо вазирликлари, Инвестициялар бўйича ва Туризмни ривожлантириш давлат қўмиталарининг фаолияти юзасидан ахборотларини эшитиш, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг Қозғистон, Қирғизистон, Грузия ҳамда Туркияга расмий ташрифларини амалга ошириш каби тadbирлар белгиланган алоҳида тилга олинди.

Шунингдек, хорижий парламент раҳбарларининг, жумладан, Россия, Беларусь, ЕХТТ Парламентлараро Ассамблеяси, Испания парламенти раҳбарларининг мамлакатимизга расмий ташрифларини ташкиллаштириш, Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатларга тайинланаётган элчилари томонидан тайёрланган хорижий мамлакатлар билан икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш стратегиялари ("Йўл хариталари") тақдирларини эшитиш, қўмита ваколатларига алоқадор соҳаларда қонун ҳужжатларининг ижро этилишини ўрганиш каби ишлар ҳам жорий йилда янгича ёндашув асосида амалга оширилиши таъкидлаб ўтилди.

Нурилло НАСРИЕВ,
ЎЗА мухбири

ЎЗБЕКИСТОН – РОССИЯ: ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК ЯНГИ КЕЛИШУВ БИЛАН БОЙИДИ

**Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг Инсон
ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)
таклифига биноан Россия
Федерациясининг Инсон ҳуқуқлари
бўйича вакили Татьяна Москалькова
бошчилигидаги делегация
мамлакатимизга келди.**

Ташриф доирасида 16 январь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасида икки мамлакат Омбудсманлари ҳамкорлигига бағишланган халқаро давра суҳбати ташкил этилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Наримон Умаров, Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил Улугбек Мухаммадиев, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал Саидов ва бошқалар делегация аъзоларини мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар мазмунини билан таништирди.

Глобал миқёсда олиб қаралганда, бугун дунёда инсон ҳуқуқларига алоқадор муносабатлар тобора долзарб бўлиб бормоқда. Айниқса, халқлар, мамлакатлар ўртасида сиёсий, гуманитар муносабатларни мувофиқлаштирувчи Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши аъзолигидан жаҳоннинг етакчи давлатлари чиқиб кетаётгани бу жараёни янада тезлаштирмоқда.

Россия Федерациясининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили Татьяна Москалькова жаҳонда инсон ҳуқуқлари соҳасида юзага келаётган муаммоларни тилга олиб, Ўзбекистон ана шундай вазиятда нафақат ички, балки ташқи сиёсатда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш ишларига тизимли ёндашаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилишини мониторинг қилиш бўйича таъсирчан механизмлар ишлаб чиқилган бўлиб, инсон ҳуқуқлари бўйича институтлар ривожланмоқда, – деди Т.Москалькова. – Бунга мисол Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказидир. Шу каби тузилма бизда ҳали йўқ, лекин жорий йилдан ташкил этишни режалаштирганимиз. Умид қиламанки, делегациямиз ташриф давомида инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон тажрибаси билан яқиндан танишиш имконига эга бўлади.

(Давоми 2-бетда)



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

**Ўзбекистон давлат
консерваториясида Олий ва
ўрта махсус таълим вазирлиги
ва вазирлик ҳузуридаги
"Маънавият ва маърифат"
маркази томонидан ташкил
этилган "Йил талабаси"
республика танловининг ғолиб
ва совриндорларини
тақдирлашга бағишланган
тадбир бўлиб ўтди.**



"ЙИЛ ТАЛАБАСИ" ТАНЛОВИДА КИМЛАР ҒОЛИБ?

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 17 сентябрдаги "Таълим тизимида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан талаба ва ўқувчиларнинг дарсдан бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, китобхоналик ҳамда мутолаа маданиятини шакллантириш орқали уларнинг маънавий дунёсини юксалтиришга доир ишларни кенг йўлга қўйиш, ёшларни ватанпарварлик ва фидойилик руҳида тарбиялашга қаратилган ижтимоий акциялар, тadbир ва танловлар ташкил этишга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

"Йил талабаси" танловидан қўзланган асосий мақсад ҳам ёшларни яратилаётган имконият ва шароитлардан янада унумли ва оқилона фойдаланишга қорлаш, юрт, жамият олдидаги бурч ва масъулиятини янада қучайтириш, иқтидорли талабаларни аниқлашдан иборат. Лойиҳа давомида ёшларнинг интизоми, билими, фанларни ўзлаштириши, изланиш ва интилишларига алоҳида эътибор қаратилди.

"Йилнинг ўз мутахассислиги бўйича энг билимдон талабаси" номинациясида Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети талабаси Сардор Бозорбоев,

"Йилнинг энг ташаббускор талабаси" номинациясида Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетининг Қарши филиали талабаси Сардор Бердиев, "Йилнинг ихтирочи талабаси" номинациясида Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институти талабаси Умид Раҳманов, "Йилнинг спортчи талабаси" йўналишида Қўқон давлат педагогика институти талабаси Бектемир Мелиқўзиёев биринчи ўринга муносиб топилди. Шунингдек, танловнинг "Йилнинг ижодкор талабаси" номинациясида Ўзбекистон давлат консерваторияси талабаси Санжарбек Азимов, "Йилнинг энг фаол тарғиботчи талабаси" номинациясида Тошкент давлат аграр университети талабаси Моҳирун Жўраева, "Йилнинг энг фаол нотик талабаси" номинациясида Тошкент давлат аграр университети таълим Андижон филиали талабаси Гавҳар Усмоновжоева биринчи ўринга сазовор бўлди.

Ғолиб ва совриндорлар статуэтка, пул мукофоти ва диплом билан тақдирланди.

Н.УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Термизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича туман, шаҳар кенгашлари раҳбар ва ходимлари учун "Фуқаролар йиғини раиси сайловини самарали ташкил этиш ва ўтказиш йўллари" мавзусида ҳудудий ўқув семинари ўтказилди.

• Гулистан шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Хотинқизлар қўмитаси ташаббуси билан

қатор мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида "Оилавий ахримларнинг олдини олиш – жамият тинчлиги ва фаровонлиги асоси" мавзусида семинар бўлиб ўтди.

• Фарғона вилоятининг Бағдод, Данғара, Тошлоқ, Ўзбекистон туманларида пахта етиштиришда томчилатиб сугориш технологияларидан кенг фойдаланиш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда қишлоқ ва сув ҳўжалиги соҳаси мутахассислари, марказлашган машина трактор парклари, фермер ҳўжаликлари раҳбарлари, тажрибали дехқонлар иштирок этди.

• Сирдарё вилояти Сайхунбод тумани прокуратурасининг лойиҳа қўмитаси 5 миллиард 828 миллион сўмлик янги биноси фойдаланишга топширилди. Қисқа муддатда барпо этилган 2 қаватли бинода мукаммал

қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. Бу ерда кутубхона, маънавият хонаси, фаоллар зали, меҳмонхона, 40 ўринли ошхона мавжуд. Ҳар бир хона зарур жиҳозлар билан таъминланган.

ЖАҲОНДА

• Македония парламенти кўпчилик овоз билан мамлакат номини Шимолий Македония қилиб ўзгартириш ҳақидаги қонунни қабул қилди. Халқаро муносабатларда мамлакат иштирокига кенг йўл очиш ва нуфузли ташкилотларга аъзо бўлишни таъминлаш мақсадида шундай ишга қўл урилди. Эндиликда ушбу қонун Греция парламенти томонидан ратификация қилинганидан сўнг қучга киради.

• Хитойда аввал 15 йиллик қамоқ

жазоси берилган Канада фуқароси Шелленберг катта туркумдаги гйёҳванд моддалар савдоси билан шуғулланганлиги исботланганидан сўнг ўлим жазосига ҳукм қилинди.

• Машҳур ишбилармон Илон Маск асос қилган "SpaceX" компанияси 2018 йилнинг бошидан буён фазода 19 та "Falcon-9" ракетабини учуриш ҳам муваффақ бўлди. 2017 йил 18 та парвозни амалга оширган компания ўз рекордини янгилади. Йил сўнгида компаниянинг 64 та кичик сунъий йўлдош орбиталар элтувчи ракетага ҳам муваффақиятли учурилди. Бу ракетанинг йил давомидаги учинчи парвози бўлди. Шу қунарда Илон Маск "Falcon-9" ракетасининг йигирманчи парвозини амалга оширишни режалаштирган. Шунингдек, "SpaceX"нинг яна 16 та юк орбиталар миссияси халқаро космик станцияга йўл олади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИЎЁ-МОЙ ТАРМОҒИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА
ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ВА СОҲАНИ БОШҚАРИШДА
БОЗОР МЕХАНИЗМЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

2. Қуйидагилар маълумот учун қабул қилинсин:
ихтиёрий равишда аъзо бўлган Ё-мой саноати корхона-
лари ва ташкилотлари "Ўзғойсойсаноат" уюшмаси аъзолари
хисобланади;

"Ўзғойсойсаноат" уюшмаси ижро аппаратининг тузилма-
сини тасдиқлаш унинг таъсисчиларининг умумий йиғилиши
қарори билан амалга оширилади;

"Ўзғойсойсаноат" уюшмаси раиси ва унинг ўринбосарла-
ри Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазир-
лигининг тақдиминомасига асосан унинг таъсисчиларининг
умумий йиғилиши қарори билан сайланади;

"Ўзғойсойсаноат" уюшмаси фаолиятини жорий таъминлаш
ва молиялаштириш унинг аъзоларининг бадаллари ва аж-
ратмалари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа ман-
балар ҳисобидан амалга оширилади.

3. "Ўзғойсойсаноат" уюшмасининг асосий вазифалари этиб
қуйидагилар белгилансин:

Ё-мой хом ашёларини қайта ишлаш ва Ё-мой маҳсулот-
ларини ишлаб чиқариш бўйича ягона комплекс сифатида
Ё-мой саноатини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чи-
қиш, шунингдек, замонавий бозор муносабатларини тар-
моққа кенг жорий қилиш;

"Ўзғойсойсаноат" уюшмаси аъзо ташкилотларининг ҳуқуқ
ва манфаатларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш;

ички ва ташқи бозорда маркетинг тадқиқотларини таш-
кил қилиш, тармоқни ривожлантиришнинг ўрта ва узоқ му-
датли дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда
иштирок этиш, хом ашёни чуқур қайта ишлашда ва сифатли
рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш,
озуқа-ём базасини кенгайтириш, ички бозорни Ё-мой маҳ-
сулотлари билан тўлақонли таъминлашда тармоқ корхона-
ларига кўмаклашиш;

Ё-мой маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича илғор хо-
рижий тажрибани ҳар томонлама ўрганиш, ишлаб чиқариш-
ни модернизациялаш ҳамда техник жиҳатдан қайта жиҳоз-
лашда, қорри унумли замонавий инновацион технология-
ларни жорий этишда, мазкур мақсадлар учун инвестиция-
ларни, шу жумладан, тўридан-тўғри хорижий инвестиция-
ларни кенг жалб этишда тармоқ корхоналарига кўмакла-
шиш;

Ё-мой тармоғининг стандартлаштириш ва сертификат-
лаштириш тизимларини халқаро талаблар ва стандартларга
ўйғунлаштириш орқали уни такомиллаштириш бўйича ком-
плекс чора-тадбирларни қабул қилиш;

хом ашё базасини ривожлантириш ҳамда Ё-мой тармоғи
ташкilotларининг мойли ўсимлик уруғларини етиштирув-
чилар билан ўзаро муносабатлари механизмни такомил-
лаштириш;

Ё-мой саноати соҳасида кадрларни тайёрлашга бўлган
реал эҳтиёжни ва истиқболли йўналишларни аниқлаш, му-
тахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини
ошириш бўйича ўқув дастурларини такомиллаштиришда иш-
тирок этиш, мазкур соҳада илмий-тадқиқот ишларини чу-
қурлаштириш;

тармоқни жадал ривожлантириш ва Ё-мой саноатининг
барқарор фаолият кўрсатишига тўқинлик қилаётган тизим-
ли муаммоларни таҳлил қилиш ва уларни бартараф этиш,
шунингдек, мазкур соҳадаги қонун ҳужжатларини янада та-
комиллаштириш бўйича тақлифлар тайёрлаш.

4. Белгилансинки, 2022 йил 1 январга қадар:
"Ўзғойсойсаноат" уюшмаси солиқ-мулк солиғи ва юридик
шахслардан олинадиган фойда солиғи тўлашдан озод эти-
лади;

ташкilotларнинг шартномалар асосида "Ўзғойсойсаноат"
уюшмасига ажратмалари юридик шахслар фойда солиғи-
нинг солиққа тортиладиган базасидан чиқарилади.

5. "Ўзғойсойсаноат" уюшмаси таркибига қирадиган таш-
килотлар 2021 йил 1 январга қадар:
ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш мақсадида импорт қилина-
диган Ё-мой хом ашёлари ҳамда ТИФ ТН кодлари 1201-
1207 гуруҳи (соя дуккаги, қунгабоқар ва бошқа мойли ўсим-

ликлар уруғлари) бўйича божхона тўловларидан (божхона
расмийлаштируви йиғимлари бундан мустасно);

ўсимлик ёғи ишлаб чиқарувчилар импорт қилинган Ё-
мой хом ашёлари ҳисобидан ишлаб чиқарилган маҳсулот-
лар ҳажмлари бўйича қўшимча қиймат солиғи тўловидан
озод қилинсин.

6. "Ўзғойсойсаноат" уюшмаси таркибига қирадиган Ё-мой
саноати корхоналарига 2022 йил 1 январга қадар рес-
публикада ишлаб чиқарилмайдиган, Ё-мой маҳсулотлари
ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган ТИФ ТН кодлари 2815,
3802, 3815 гуруҳи бўйича ускуналар, бутловчи буюмлар,
материаллар (каустик сода, активлаштирилган табиий ми-
нерал маҳсулотлар ва катализаторлар) импортида божхона
декларацияси қабул қилинган кундан бошлаб қўшилган қий-
мат солиғини тўлашни 90 кунга кечиктириш имконияти бе-
рилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат бож-
хона қўмитаси ва Давлат солиқ қўмитаси икки ой муддатда
қўшилган қиймат солиғини тўлашни кечиктириш бўйича қарз-
дорлик суммасини қўшилган қиймат солиғи юзасидан умумий
хўсб-китобда ёпишни назарда тутувчи "Ўзғойсойсаноат"
уюшмаси таркибига қирадиган Ё-мой саноати корхона-
ларига қўшилган қиймат солиғини тўлаш бўйича кечикти-
риш бериш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

7. Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирлиги А.Н.Арипов
бир ой муддатда:

а) қуйидагиларни назарда тутувчи Ё-мой саноатида
амалдаги ишлаб чиқаришларни техник ва технологик
жиҳатдан янгилаш ва янгиларини ташкил этиш бўйича
инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш юзаси-
дан "Йўл харитаси"ни тасдиқласин;

амалдаги ишлаб чиқаришларни техник ва технологик жи-
ҳатдан янгилаш ва янгиларини ташкил этиш бўйича 150
миллион АҚШ доллари миқдоридида 37 та инвестиция
лоийҳаларини 2019-2020 йилларда амалга ошириш;

тайёр ўсимлик ёғи импортини босқичма-босқич қисқар-
тириш билан бир вақтда мавжуд ишлаб чиқариш қу-
ватларидан фойдаланишни 90 фоизгача етказиш ва
юқори қўшилган қийматли Ё-мой маҳсулотларини ишлаб
чиқариш мақсадида Ё-мой хом ашёлари олиб кириш
ҳажмларини кўпайтириш;

2021 йилга қадар республикада мўқобил мойли ўсим-
ликлар етиштириш ҳажмларини кўпайтириш хисобига Ё-
мой хом ашёлари жамғармиш миқдорини 100 минг тонна-
гача етказиш;

2021 йилга қадар ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш ҳажмла-
рини 400 минг тоннагача етказиш;
лоийҳа қиймати 100 миллион АҚШ доллари бўлган ист-
тиқболли инвестиция лойиҳаларини ҳамкорликда амалга
ошириш учун хорижий инвесторларни жалб қилиш;

б) нархлар барқарорлигини ва ички бозорнинг Ё-мой
маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини бир маромда таъминлаш
мақсадида 50 минг тонна ҳажмли замонавий Ё-мой хом
ашёлари сақлаш симғимларини ташкил қилиш бўйича "Йўл
харитаси"ни тасдиқласин;

8. Агентлик 2019 йил 1 сентябрга қадар бўлган му-
датда сотиладиган акция пакетлари (улушлари)ни баҳолаш
жараёниларини шаффофлигини, уларнинг бошланғич нар-
хини, шунингдек, савдонини ташкил этиш ва ўтказиш шартла-
рини таъминлашда ҳолда ушбу қарорнинг 1-илоvasига му-
вофиқ ўтказиладиган ҳўжалик жамиятларининг устав капи-
талидаги давлат акция пакетлари (улушлари)ни белгилан-
ган тартибда сотиш чораларини кўрсин.

9. Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси "Ўзғойсойсаноат"
уюшмаси ва Агентлик билан биргаликда, Ё-мой тармо-
ғига корхоналарининг узлуқсиз ишлаб чиқариш фаолиятини
таъминлаш учун етарли хом ашё базасига эга бўлган хори-
жий инвесторларни ва етакчи Ё-мой маҳсулотлари ишлаб
чиқарувчиларини жалб қилиш чораларини кўрсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат ва-
зирлиги:

Агентлик, "Ўзғойсойсаноат" уюшмаси, Қорақалпоғистон
Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент

шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда
устав жамғармасида давлат улуши мавжуд бўлган Ё-мой
тармоғи корхоналарининг бўш турган ер участкалари-
ни инвентаризациядан ўтказсин ва уларни ихтисослаш-
ган кичик саноат зоналарини ташкил этиш учун маҳаллий
давлат ҳокимияти органлари захирасига ўтказиш бўйича та-
клиф қиритсин;

икки ой муддатда ушбу қарорнинг 2-илоvasида кўрсат-
тилган Ё-мой корхоналарининг бўшайдиган ҳудудларида
ихтисослашган кичик саноат зоналарини ташкил қилиш
бўйича тақлиф қиритсин.

11. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Ин-
вестициялар бўйича давлат қўмитаси раиси С.Р.Ҳолмуродовга –
Ё-мой тармоғига корхоналарининг узлуқсиз ишлаб чиқариш
фаолиятини таъминлаш учун етарли хом ашё базасига эга
бўлган хорижий инвесторларни ва етакчи Ё-мой маҳсулот-
лари ишлаб чиқарувчиларини жалб қилиш;

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ҳўжалиги вазири
Б.Т.Юсуповга – фермер ҳўжаликлари томонидан соя ва му-
қобил мойли ўсимликлар уруғларини етиштиришни ташкил
қилиш чораларини кўриш, уларнинг ҳисобини юритиш ва
уларга ҳар томонлама кўмаклашиш учун шахсий жавобгар-
лик юклансин.

"Ўзғойсойсаноат" уюшмаси Қорақалпоғистон Республика-
си Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳоким-
ликлари билан биргаликда мавжуд хом ашё ресурслари-
дан, инфратузилмалар, меҳнат ресурслари ва бозор эҳтиё-
жидан ҳамда ҳудуддаги мавжуд қувватлардан келиб чиққан
ҳолда Ё-мой маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича янги
қувватларни лойиҳалаштиришда тадбиркорлик субъектла-
рига ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатсин.

12. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбеки-
стон Миллий телерадиокомпаниясига "Ўзғойсойсаноат" уюш-
маси билан ҳамкорликда Ё-мой саноати тармоғида амалга
оширилмаётган ислотларнинг оммавий ахборот воситалари-
да мунтазам равишда ёритиб бориш тавсия қилинсин.

13. "Ўзғойсойсаноат" уюшмаси Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазирлиги, Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ва
Инновацион ривожланиш вазирлиги билан биргаликда икки
ой муддатда Ё-мой саноати тармоғи кадрларини қайта тай-
ёрлаш ва малакасини ошириш бўйича илмий-амалий мар-
казни ташкил этиш чораларини кўрсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вази-
лиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Давлат статистика
қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси бошқа манфаатдор ва-
зирликлар ва идоралар билан биргаликда "Ўзғойсойсаноат"
уюшмаси зиммасига юкланган вазифаларини сифатли ва ўз
вақтида бажаришда амалий ёрдам кўрсатсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмита-
си "Ўзғойсойсаноат" уюшмасини статистик маълумотларни
мажбурий тарқатиш реестрига қиритсин.

16. "Ўзғойсойсаноат" уюшмаси Тошкент шаҳри, Шота Ру-
ставели кўчаси, 8-ўй манзили бўйича бепул фойдаланиш
ҳўқуқи асосида жойлаштирилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги "Ўзғой-
саноат" уюшмаси ва бошқа манфаатдор идоралар билан
биргаликда икки ой муддатда қонун ҳўжатларига мазкур
қарордан келиб чиқадиган ўзгаришларни таъминлаш бўйи-
сида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар қиритсин.

18. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбеки-
стон Республикасининг Бош вазирлиги А.Н.Арипов, Ўзбекистон
Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти
маслаҳатчисининг ўринбосарлари Б.М.Мавлонов ва Г.К.Саидова
зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВТошкент шаҳри,
2019 йил 16 январьЎзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИТАЪЛИМ СИФАТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Америка Қўшма Штатлари, Австралия Итти-
фоқи, Исроил давлати, Канада, Сингапур Рес-
публикаси, Корея Республикаси, Япония давлат-
ларининг ушбу давлатлар ваколатли ташкилот-
лари томонидан аккредитация қилинган таълим
муассасаларида таълим олган фуқароларнинг,
рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳ-
камаси томонидан белгиланадиган йўналишлар,
мутахассисликлар ва касблар бундан мустасно;

хорижий олий таълим муассасаларида мута-
хассисларни мақсади тайёрлаш учун Ўзбеки-
стон Республикасининг вазирлик ва идоралари
томонидан аккредитация маблағлар ҳисобидан таъ-
лим олган фуқароларнинг;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шарт-
номалари, Ўзбекистон Республикаси Президенти
ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси-
сининг қарорларида назарда тутилган ҳўларда
таълим олганлик тўғрисидаги ҳўжатларини
тўғридан-тўғри (махсус синонвларсиз) тан олиш
ва нострификация қилиш (эквивалентлигини қайд
этиш);

б) таълим олганлик тўғрисидаги ҳўжатларни
тан олиш ва нострификация қилиш (эквивалент-
лигини қайд этиш) тўғрисидаги аризаларни фа-
катгина Давлат хизматлари марказлари ёки Ўзе-
бекистон Республикасининг Ягона интерактив дав-
лат хизматлари портали орқали қабул қилиш
тўғрисидаги тақлифи маъқуллансин.

2. Давлат инспекциясига қуйидаги қўшимча
вазифалар юклатилсин:

Ўзбекистон Республикаси таълим муассаса-
лари рейтингини тузиш ва расман эълон қилиш;
ўқувчиларнинг билим даражасини баҳолаш
бўйича халқаро дастурлар ва тадқиқотларда Ўзе-
бекистон Республикасининг иштирокчини таъмин-
лаш;

дунёнинг етакчи рейтинг ташкилотлари билан
ҳамкорлик қилиш ва миллий олий таълим муас-
сасаларининг ушбу рейтингларга киришига ҳар
томонлама кўмаклашиш.

3. Миллий олий таълим муассасалари фаоли-
ятини ўрганиш ҳамда ушбу муассасаларда кадр-
лар тайёрлаш сифатини, жумладан, халқаро стан-
дартлар ва илғор хорижий тажрибани жорий этиш
орқали ошириш юзасидан ҳар чоракда Ўзе-

бекистон Республикаси Президенти Админи-
страциясига тақлифлар киритиб бориш учун
масъул бўлган Давлат инспекцияси бошли-
гининг биринчи ўринбосари лавозими ки-
ритилсин.

Белгилансинки, Давлат инспекцияси бошли-
гининг биринчи ўринбосари Ўзбекистон Респу-
бликаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лаво-
зимга тайинланади ва лавозимидан озод этила-
ди ҳамда мақоми, тиббий ва транспорт тала-
моти шароитлари бўйича вазирнинг биринчи ўрин-
босарига тенглаштирилади.

4. Давлат инспекциясининг бошқарув ходим-
лари чекланган сонли 108 нафардан иборат ян-
ланган ташкилий тузилмаси иловига мувофиқ
тасдиқлансин.

Давлат инспекциясининг бошлиғига, зарур ҳол-
ларда, ходимларининг ўрнатилган чекланган умумий
сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доира-
сида Давлат инспекцияси тузилмасига ўзгариш-
лар киритиш ҳўқуқи берилсин.

5. Давлат инспекцияси манфаатдор вазирлик
ва идоралар билан биргаликда:

таълим муассасаларининг рейтингини белги-
ловчи дунёнинг етакчи рейтинг ташкилотлари билан
ҳамкорлик ўрнатсин;

2019 йил 1 апрелга қадар илғор хорижий таж-
рибани ўрганиш натижаларига қўра, таълим му-
ассасаларини аттестациядан ва давлат аккредити-
тациясидан ўтказиш тартибини такомиллашти-
риш тўғрисида ҳўкумат қарори лойиҳасини иш-
лаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазир-
лар Маҳкамасига қиритсин;

2019 йил 1 июнга қадар таълим муассасала-
ри, педагог ходимлар, таълим олувчилар, таъ-
лим-тарбия жараёни ва бошқа зарур ахборотлар
тўғрисида ягона маълумотлар базасини шакл-
лантиришни ўз ичига олган таълим сифатини
таъминловчи ахборот тизимини жорий этиш бўйи-
ча тақлифлар тайёрласин ва Ўзбекистон Респу-
бликаси Вазирлар Маҳкамасига қиритсин.

6. Белгилансинки, 2019 йил 1 февралдан:
педагог кадрларга биринчи ва олий малака
тоифаси, етакчи ва бош ўқитувчи лавозими бе-
риш, шунингдек, умумий ўрта, ўрта махсус ва
касб-ҳўнар таълими муассасаларида мазкур ма-
лака тоифасига ва лавозимига талабдорларга
малака тоифасини беришда тўланадиган йиғим-

лардан тушадиган маблағнинг 50 фоизи Давлат
инспекциясининг бюджетдан ташқари Ривожлан-
тириш жамғармасига йўналтирилади (кейинги
ўринларда – Жамғарма);

Жамғармага тушадиган маблағларнинг 80
фоизгача бўлган миқдори Давлат инспекцияси
бошлигининг қарорига қўра, лавозим маошининг
200 фоизгача миқдорда ойлик устамалар тўлаш,
моддий ёрдам кўрсатиш, хизмат вазифаларини
виждонан ва ташаббускорлик билан бажарганили-
ги учун муқофот пули, шунингдек, мамлакат ичи-
да ва ташқарисидаги хизмат сафарилари қара-
жатларини тўлаш тарзида ходимларнинг моддий
рағбатлантирилишига йўналтирилиши мумкин.

7. Давлат инспекциясига Жамғарманинг маб-
лағлари ҳисобидан қуйидаги қаражатларни тўлаш-
га рўхсат этилисин:

Давлат инспекциясига юклатилган вазифа ва
функцияларни бажариш доирасида давлат орган-
лари ва ташкилотлари, илмий ва олий таълим
муассасалари, етакчи халқаро ва хорижий таш-
килотларнинг малакали мутахассислари, шу жум-
ладан, таълим соҳасидаги хорижий экспертлар
ва хорижда яшаётган ватандошларни маслаҳат-
чилар сифатида жалб қилиш;

Давлат инспекцияси ходимларини илмий-тад-
қиқот, таълим ва бошқа муассасаларда, шу жум-
ладан, хорижда ўқитиш, малакасини ошириш ва
стажировкадан ўтказиш;

Давлат инспекцияси, унга идоравий мансуб
ташкilotлар ва ҳудудий бўлиmlарининг фаоли-
ятига замонавий ахборот-коммуникация техноло-
гияларини жорий қилиш.

8. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар
бўйича давлат қўмитаси, Молия вазирлиги ва
Давлат инспекцияси тасдиқланган лойиҳа-смета
ҳўжатларига мувофиқ Давлат инспекциясининг
бино ва иншоотларини реконструкция қилишни
Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг
келгуси йиллардаги давлат дастурларига кири-
тилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВТошкент шаҳри,
2019 йил 16 январь

ЎЗБЕКИСТОН – РОССИЯ:

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ
СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК
ЯНГИ КЕЛИШУВ БИЛАН
БОЙИДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон билан Россия Омбудсман-
лари ўртасида ҳамкорлик ривожланмоқ-
да ва бу жараён халқаро форумлар дои-
расида янада изчиллашган. Шунингдек,
Россия Федерациясида фаолият юритув-
чи инсон ҳуқуқлари бўйича вакиллар би-
лан ҳамкорлик мустаҳкамланиб бораётир.
Масалан, 2015 йил билан таққосланган-
да, 2018 йилда томонлар иштирокида
кўриб чиқилган ишлар сони 2,5 баробар
ошган.

Тадбир якуни бўйича томонлар ўртаси-
да ўзаро ҳамкорлик тўғрисида меморан-
дум имзоланди. Мазкур ҳўжат фуқаро-
ларнинг муурожаатларини кўриб чиқиш,
ахборот-таҳлилий ва ҳўқуқий материаллар
алмашиш, инсон ҳўқуқлари соҳасидаги
халқаро тажриба ва илғор ишланмалар-
ни ўрганиш, халқаро ташкilotлар ва фо-
румлар доирасида конференциялар, се-
минарлар ва давра суҳбатлари ташкил
этишни назарда тутди.

Т.Москалькова Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси Спикери Нуриддинжон Исмоилов
билан ҳам учрашди. Меҳмонларга мам-
лакатимизда Болалар ва ёшлар ҳўқуқла-
ри бўйича Омбудсман институтини жо-
рий этиш масаласи ўрганиб чиқилаётган
ҳақида маълумот берилди.

Мулоқотда томонлар алоқаларни ри-
вожлантириш имкониятлари, жумладан,
меҳнат миграцияси ва шартномавий-
ҳўқуқий базани такомиллаштириш маса-
лалари бўйича ҳамкорлик қилишга кели-
шиб олди.

Россия Федерациясининг Инсон
ҳўқуқлари бўйича вакили Т.Москалькова
бошчилигидаги делегация шу куни Олий
Мажлис Сенати Раиси Нигматилла Йўлдошев
билан учрашди.

Россия делегацияси 17 январь куни Са-
марқанд вилоятига ташриф буюриб,
Ўзбекистон Республикаси Президенти-
нинг Халқ қабулхонаси фаолияти билан
танишади.

Малоҳат ҲУСАНОВА

ҚИСКА САТРЛАРДА

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш
вазирлиги ҳамда "OPASCA German Oncology
Solutions GmbH" томонидан 50 миллион евро
қийматидаги энг сўнгги технология ва жиҳозлар
билан таъминланган замонавий клиника бунёд
этиш ҳамда Германиянинг нуфузли Мангейм
университети клиникаси билан ўзбекистонлик
мутахассисларни тайёрлаш лойиҳасини амалга
ошириш юзасидан келишув имзоланди.

Жиноят ишлари бўй

Мамлакатимизда иқтисодий ва ижтимоий, илм-фан, таълим-тарбия, маданият ва санъат, спорт, бир сўз билан айтганда, барча соҳаларда халққимизнинг қачонлардир эмас, бугун фаровон ва бахтиёр ҳаёт кечиряётганлиги йўналтирилган, авваллари мисли кўрилмаган ислохотлар, беқиёс бунёдкорлик ишлари изчил амалга оширилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ана шу масалалар қаторида янги таҳдид ва хавфлар пайдо бўлаётган бугунги кунда жамиятимизда соғлом муҳитни мустаҳкамлаш, маънавият ва маърифатга, ахлоқий тарбия, ёшларнинг билим олиши, камолга етишга интилишига эътибор қаратиш, тинч-осуда ҳаётимизни, муқаддас динимиз поклигини асраш халқимиз тақдир ва келажаги, ҳаёт-мамлатимиз вазифаси эканлигини алоҳида таъкидлаган.

Давлатимиз раҳбари 2017 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида ҳаётда зўравонлик ва жаҳоллатни тарғиб қилувчи мафкуравий "вирус" тарқалаётганидан ташвиш билдириб, саводсизлик ва жаҳоллатга барҳам бериш, бағрикенглик ва ўзаро ҳурматли қарор топтириш, диний эркинликни таъминлашга йўналтирилган махсус резолюцияни қабул қилиш ташаббусини илгари сурди. 2018 йил 12 декабрда БМТ Бош Ассамблеясида ана шу "Маърифат ва диний бағрикенглик" махсус резолюциясининг халқаро ҳамжамиятга аъзо барча давлатлар томонидан бир овоздан маъқулланиб, катта мамнуният билан қабул қилинганлиги Президентимиз гоҳсининг нақадар муҳим ва долзарблигининг амалий ифодаси бўлди.

Қуръони Каримда раҳбарлар "улул-амр" – "иш эгалари", яъни халқнинг иши қилида бўлганлар деб аталади. "Аллоҳнинг ерда юруви мўъжизаси", "Ислом оламининг қуввати", "Дунё имоми" шарафларига лойиқ топилган буюк Имом Бухорийнинг илмий ҳазорати – 16 йиллик машаққатли меҳнатли асосида яратган "Ал-Жомий ас-Саҳих"да ("Ишонarli тўплам"да) раҳбарга "имом", яъни "пешво", олддиндаги йўлбоши, халқнинг олдида тушиб, йўл бошлаб борадиганлар таърифи берилган: "Имом мутасадди-дир ва у ўз раъияти учун масъулдир".

Ҳозирги вақтда дунё микёсида таҳликали вазият юзага келганлиги, халқаро терроризм, экстремизм, диний қарама-қаршилик кучайиб бораётганлигига ғувоҳ бўлмокдамы. Оммавий ахборот воситалари орқали дунёнинг у ёки бу бурчагидида портлашлар, суиқасдлар, таъжовулар, қасддан оломон устига машиналар бос-тирилиши каби фожиалардан хабар топадиган бўлиб қолдик. Қотиллар ҳеч нарсадан тап тортаёлти: бегунох болалар ва қариялар, аёллар, ҳатто маҷитларда ибодат қилаётганлар ҳам уларнинг қурбонлигига айланмокда. Ана шу авваллари кўз кўриб, қулоқ эшитмаган жирканч жиноятларни мўмин-мусулмалар, яъни ювовш, беозорларнинг муқаддас ислом динини никоб қилиб олганлар амалга ошираётганлари янада дахшатлидир.

Қўлларини билаларига қонга ботирибгина қолмасдан, шунингдек, ўзларини тирик бомбларга айлантираётган кимсалар қабих ниятли муртадларнинг қўғирчоқлари эканлиги яхши аён. Аммо диний экстремизм ва фундаментализм маддоҳлари иродаси ожиз шахсларни, қўпроқ ёшларни бу сохта, гайриниссоний гоғларга қанон қалғитишга, онгини қандай қилиб батамом заҳарлашга муваффақ бўлмокда деган ўринли савол турғилади.

Диний экстремистлар ва террорчилар ўз манфур гоғларини тарқатишда ҳозирги давр ахборот воситаларидан фойдаланмокда, айниқса ёшларни ўзига жалб этадиган Интернет, унинг иқтисодий тармоқларини ишга солмокда. Ўзиниқўллар улар катта молиявий манбаларга – ёқин Шарқ мамлакатларидики радикал ташкилотларнинг жамғармаларидан ажратилаётган маблағлар, жиноятчилик фаолияти – одам ва наркотиклар савдоси, босқинчилик, тоғламачилиқдан олинаётган даромадларга эғалиги ҳам маълум.

Энг ташвишланарлиси, сохта гоғларга алданиб, галамисларнинг тузоғига тушиб, экстремистлар, террорчилар сафига қўшилиётганлар орамизда ҳам учраб турибди. Айрим маълумотларга кўра, ана шу қора кўчлар сафига қўшилганларнинг 2500 нафари бизнинг минтақамиз – Марказий Осиё мамлакатларидандир. Бу жангарлар орасида 500 нафари ўзбекистонликлар деб тахмин қилинади.

Диний радикализм бўйича экспертларнинг фикрича, ёшларнинг экстремистик ва террорчи оқимларга қўшилиб қолишига тайин иш ва даромадга эга эмасликдан ночор аҳволга, умидсизликка тушганлиги, ноҳақликка учраганлиги, адолатга ишончли йўқотганлиги ҳам сабаб бўлади.

Қора кўчлар эса худди ана шундайлар, ҳали катта ҳаёт таърибасига эга бўлмаган ёшларни тузоғларига илтириш пайига тушади. Ғаламислар ҳийла билан иш кўришади, қийинчиликка дош бера олмайдиган, маънавий ожиз шахсларни аниқлаб, уларни устомонлик билан ўз ғаразли ниятларига шерик қилишга интилишади ва баъзан ўз мақсадларига эришади. Улар ўз қурбонларининг онгини заҳарлаш учун воқеликни факат қора бўёқларда тасаввур қила бошлаганларнинг ана шу хиссиётларига, ҳурофотга мурожаат қилишади. Гўёки уларнинг ҳаётларини яхшилаш, адолат ўрнатиш учун жанг қилиш кераклигини ўқитириш, қўлларига қурол турғизишади.

Ёшларимизнинг қабих ниятларининг тўғрларига тушиб қолмаслиги, ўзлари, оилалари учун бало-қазоларнинг, жамиятга, қолаверса давлатга қуфлатларнинг олдини олиш учун қандай муҳим чоралар кўрилиши зарур? Давлатимиз раҳбари бу ҳақда "Агар биз ёлгон гоғга алданганларни ўз холига ташлаб қўядиган бўлсак, эртага четда пайт бўлиб турган қабих ёв келиб, уни ўз ортидан етаклаб кетмаслигига ким қафолат беради?" деб оғохлантормокда. Жаҳоллат қарши маърифат, таълим-тарбияни кучайтириш билан курашиш зарурлигини алоҳида ўқитмокда.

Ислом дини ўз моҳияти бўйича эзгулик гоғларига асосланади, поклик, ҳалоллик, тинчлик, яхшилик ва дўстлик каби эзгу фазилатларга таянади. Инсонни меҳр-оқибатли бўлиш, яхшиликни, инсонпарварликка даъват этади, нурли ҳаётга, маърифатга ундайди. Хунрезлик, қотиллик, зўравонликни қатъян қоралайди.

Айни пайтда ислом маърифатини, илм-фанини улуғлайдиган диндир. Исломда илм олиш фарз ҳисобланади. Буни Президентимиз ташаббуси бўйича БМТ томонидан қабул қилинган резолюцияда "маърифат" биринчи ўринга қўйилган ҳам ифодабди турибди.

Ўзи илк нозил бўлган ваҳий – "Ўқи"дир. "Аллоҳ таоло сизларнинг орангиздаги иймон келтирганларни ва илмни қўлсатирилганларни бу дунёда ярлашаб, мартабасини улуғ қилгайдур. Илм ўрганиш ниятида йўлга чиққан кимсанинг қадимини Аллоҳ таоло енгил қилади" дейилиши ислом динининг туб моҳиятини ифода қилади. Бунга машҳур ҳадисда "Бешиқдан қабргача илм изла" дейилгани ҳамоҳангдир.

Ислом дини ўзбек заминидан қувват олганини, бутун ислом олами учун муҳаддислар, олиму уламолар етиштириб берган муқаддас юрт эканлигини дунё мусулмонлари яқдил эътироф этишади. Буюк мутафаккир алломаларимиз ислом динининг ҳақиқий мазмун-моҳиятини чуқур очиб бериш, ислом қадриятларини тарғиб қилишга бебаҳо ҳиссаларини қўшган.

Хусусан, Имом Бухорийнинг "Ал-Жомий ас-Саҳих"да илм олишга, меҳр-оқибат, саҳийлик, очик қўнғиллик, ота-онага ҳурмат, олий ҳиммат, мурувват, ватанга садоқат, меҳнатсеварлик, ҳалоллик, дўсту биродарлик каби инсоний фазилатларга амал қилишга даъват этилади.

Имом Бухорийни ўзининг устози деб атаган, айни пайтда унинг сафдоши бўлган Абу Исо ат-Термизий ҳадис-шунослиқни чуқур масъулият ва катта идрок билан давом эттирган, илмий асосда ривожлантиришга улкан ҳисса қўшиб, мусулмон дунёсидаги энг нуфузли муҳаддислар-

дан бири даражасига кўтарилган. Абу Исо ат-Термизийнинг ҳадислар китоби ҳадис илмида шухрат қозонган. Бу китобда ҳам фикҳ масаласига доир аҳком ҳадислар билан бирга ахлоқ-одоб, гўзал хулқу фазилатлар хусусидаги панд-насихатлар муҳим тарбиявий аҳамият касб этади.

Муҳокама ва баҳсга асосланган эътиқод ва ақидалар тизими – қалом илми асосчиларидан бўлган, "мусулмонларнинг эътиқодини тузатувчи" деб шарафланадиган Имом Мотуридий ўз таълимотини яратган. Ушбу буюк мутафаккиримиз ҳақида яна бир алломаимиз Абу Муин Насафий шундай деган: "Моварауннахрда Мотуридийдан ташқари барча ханафий олимлар мавжуд бўлмаганида ҳам, Абу Мансур Мотуридий уларнинг ўрнига кифоя қилар эди. Чунки, у шундай зотки, илм уммонининг энг қазъига шўғилб, ундан дуру гавхарларни олиб чиқди ва диний ҳукматларни ўзининг фасоҳати, мислсиз заковати билан зийнатлади".

Бундан ўн бир аср муқаддам шакланган "Мотуридий таълимоти"да "инсонда ирода эркинлиги мавжуд"лиги, яъни инсон ақл-заковати ва тафаккурининг имкониятлари чексиз эканлиги гоғиси илгари сурилади. Мутафаккир ана шу гоғисига таянган ҳолда ислом динининг ҳаётбахш мазмун-моҳиятини тўғри талқин қилиш, турли бидъат ва ҳурофотларга ботган ғуруҳ ва тоифаларга қарши мурасасиз кураш олиб боришга даъват этади.

Ўқорида тилга олинган азиз-авлиёларимиз қатори ислом дини ханафий мазҳабининг фикҳ масалаларида асосий қўлланмага айланган машҳур "Хидой"нинг муаллифи Бурхониддин Марғионий, шунингдек, Нажмиддин Кубро, Махмуд Замаҳшарий, Баҳоуддин Нақшбанд, Хўжа Аҳрор Валӣй ва бошқа алломаларимиз ҳам муқаддас ислом динимизнинг олий инсонпарварлик қадриятларини

тарғиб этишга улкан ҳисса қўшганлар. Мусулмон дунёсининг барча университетлари ва институтлари, мадрасаларида бу мутафаккирларимизнинг бебаҳо асарлари асосий қўлланма, дастуруламал ҳисобланади. Олимлар, дин уламо-лари уларнинг илмий меросидан кенг фойдаланади.

Муқаддас динимизда илм олишнинг фарзлиги, илм аҳлининг улуғланиши ўрта асрлардаёқ ислом илм-фани ва маданиятининг қадимий бешикларидан бири ҳисобланган юртимизда Шарқ уйғониш даврининг буюк мутафаккирлари етишиб чиқиши учун рағбат бўлди. Бутун жаҳон ватандошларимиз – араб грамматикасининг асосчиларидан бири, луғатшунослик, жўғрофия, тафсир, ҳадис, фикҳга доир 50 дан ортқ асарларнинг муаллифи Замаҳшарий, замонавий математика, тригонометрия ва география фанлари тараққиётига беқиёс ҳисса қўшган Мусо ал-Хоразмий, алгебра фанига асос солган Ал-Хоразмий, ўша даврлардаёқ асосий астрономик асбоб – устурлоб назариясини ишлаб чиққан Аҳмад Фарғоний, дунё илм-фанида биринчилардан бўлиб денгизлар назарияси ва Ернинг шарсимон глобусини яратиш юзасидан ўзига ҳос янги гоғларни тақлиф этган Абу Райҳон Беруний, инсониятнинг энг буюк мутафаккирларидан бири унвоғига сазовор бўлган Абу Али ибн Синоларнинг номларини яхши билади. Уларнинг асарлари, ихтиролари бугунги кунда ҳам чет эл университет ва институтларининг ўқув дастурларидан ўрин олган.

Кейинги йилларда бевосита давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан буюк алломаларимизнинг ноёб ва бебаҳо меросини ўрганиш, кенг тарғиб қилиш мақсадида Тошкентда ўзбекистондаги ислом цивилизацияси, Самарқанда Имом Бухорий, шунингдек, Сурхондарёда Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказлари барпо этилмокда. Қашқадарёда Абу Муин Насафий, Бухорода Баҳоуддин Нақшбанд қадимҳолари, бошқа зияратгоҳлар тартибга келтирилиб, ободонлаштирилмокда.

Тошкент ислом университети ва Ислом академияси негизда Халқаро ислом академияси, Мир Араб олий мадрасаси, тўққизта мадраса, шу жумладан иккита ихтисослашган хотин-қизлар муассасаси, бешта – қалам, ҳадис, фикҳ, ақиди ва тасаввуф ихтисослашган мактаблари ташкил этилди.

Президентимиз бундан асосий мақсад тарихимиз, маданиятимиз, динимизга алоқадор бир варақ қўлэзма бўлса ҳам, уларни тўплаб, халқимизни, ёшларимизни таништириш, бизнинг қандай буюк ва бетакор меросимиз борлигини аниқлаш, навқирон авлодимизнинг қалбидида буюк аجدодларимизга муносив бўлишдек юксак туйғуларни шакллантиришдан иборат эканлигини таъкидлаб келмокда. Бу ҳаётий аҳамиятга эга тарғибот ва ташвиқот ишлари режиси ва тизимли тарзда ташкил этилиши, аҳоли, айниқса ёшлар ўртасида уюштирилаётган тадбирларни ўтказишга барча мафкурчилар – олимлар, дин арбоблари, таълим ва маданият муассасалари, музейлар ҳодимлари жалб этилиши, оммавий ахборот воситаларининг, биринчи навбатда Интернетнинг иқтисодий тармоқлари имкони-ятларидан тўлиқ фойдаланилиши мақсадга мувофиқдир.

Ташкил этилаётган диний таълим муассасалари, илмий-тадқиқот марказлари, музейлар, уларда жамланадиган ноёб ва бебаҳо мерослар, амалга оширилаётган изланишлар жаҳоллатга қарши маърифат билан курашиш учун ҳам ноёб ва бебаҳо, ҳам жуда муҳим манба ва қурол бўлиши шубҳасиздир. Ушбу дароҳларда ўзига ҳос маънавий-руҳий муҳит шаклланади. Бу ерларга зияратга келганларнинг ўзлари учун маънавий озуқа олишига, азиз-авлиёларимиз, мутафаккирларимизнинг ҳикматларини чуқур ўқишларига хизмат қилади. Энг муҳими – уларнинг қалбидида улғў аждодларимиздан, ўзлари ушбу буюк зотларнинг авлодлари эканлигидан факрланиш ҳис-туйғуларини шакллантиришга эришишидир.

Ҳозирнинг ўзида диний маърифат соҳасида мамлакатимизда амалга оширилаётган муҳим ишлар ҳориқчиликлар эътиборини тортмокда. Жумладан, Буюк британиялик йирик сиёсат арбоб, Лордлар палатасининг вакили Мухаммад Илтаф Шайх Лондонда мамлакатимиз сиёсий ва илмий диоралари вакиллари билан учрашув пайтида "Сизлар Имом Бухорий ҳадисларини инглиз тилига таржима қилиб, шарҳлаб беринг. Биз бу китоблар билан жаҳоллатга қарши курашамиз", деб мурожаат қилди.

Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг резолюциясида халқаро микёсида диний бағрикенгликни шакллантириш ва мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилгани ҳам беҳиз эмас. Чунки, диний экстремистлар ва террорчилар гўёки "асл" дин ва эътиқодга садоқат никоби остида бағрикенгликни тан олмаслик, ўзга динларга нисбатан тоқатсизлик ва қамситиш учун қонли жиноятларга қўл ўрмақда.

Бунинг қўринишларини мутаассибликда – ўз эътиқоди тўғрлигига ўта қаттиқ ишониш, бошқа диний таълимотларга мурасосиз муносабатда бўлишда кузатиш мумкин. Инсоният тарихида мутаассибликдан ғаразли мақсадларда фойдаланилганга қўл дўч келинган. Буларга асосан диний зиддиятлар, шунингдек, ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий муаммолар сабаб бўлган. Экстремистик ва террористик ғуруҳлар мутаассиблик гоғлари ва амалиёти ривожда ғуноҳи қабири (катта ғуноҳ) қилган барча мусулмон-

ларни кофир деб, уларнинг таълимотига қўшилмаган қишларга қарши жиход эълон қилиш, ҳаттоки, қария, аёл ва болаларнинг қонини тўкишни ҳалол, деб ҳисоблайди.

Шунинг учун БМТнинг Фан, таълим ва маданият бўйича ихтисослашган ташкилоти – ЮНЕСКО томонидан 1995 йилда қабул қилинган Бағрикенглик принциплари декларациясида бағрикенглик ўзимиз яшаб турган дунё маданиятининг бой ва хилма-хиллигини, инсоннинг шахс сифатида намоён бўлиши шакллари ва усулларини ҳурмат қилиш, уни тўғри қабул қилиш ва тушуниш, айни пайтда виждон ва эътиқод эркинлиги сифатида изохланган. Бу ўринда маъзур ҳужжат қабул қилинган сана – 16 ноябр бутун дунёда Халқаро бағрикенглик кўни сифатида нишонланишини ҳам кўрсатиб ўтиш ўринли.

Назариётчилар бағрикенглик шаклланишининг уч изчил босқичини ажратиб кўрсатадилар, яъни:

- ўзгача хавфли эмас;
- ўзгача ҳақиқат ҳам нотўғри эмас;
- ўзгача фойдали бўлиши мумкин.

Динлараро бағрикенглик гоғиси хилма-хил диний эътиқодга эга бўлган қишларнинг бир замин, бир ватанда, олижағоб гоғ ва ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшашини аниқлатади. Дунёдаги динларнинг барчаси эзгулик гоғларига асосланади, у ҳалоллик, тинчлик, яхшилик ва дўстлик каби бир қанча эзгу фазилатларга таянади. Инсонларни ҳалоллик ва поклик, меҳр-оқибат, инсонпарварлик ва бағрикенгликка даъват этади.

Ислом дастлабки пайтларданок диний бағрикенглик – "барча самовий динлар бир манба, бир бўлоқдан сув ичиши, ҳамма пайғамбарлар биродардирлар, рисолатда улар ўртасида ҳеч қандай афзаллик йўқ, эътиқодга, динга маъбулрлаш мумкин эмаслиги, илоҳий диёнатларнинг барча ибодатхоналари ҳимоя ва мудоффа қилиниши кераклиги, динлардаги ихтилофлар қотиллик ва адоватларга сабаб бўлмаслиги" гоғисига таянган.

Юртимиз учун диний бағрикенглик азал-азалдан ҳос бўлганини таъкидлаш керак. Ўлкамиз аҳолиси исломгача бўлган даврда буддизм, зардуштилик, манихейлик ва бошқа динларга сиғинган, аммо диний адоват, тоқатсизлик алломатлари сира учрамаган. Халқимиз ҳозир ҳам ана шу инсонпарвар тамойилларга содик.

Хусусан, АКШнинг нуфузли "The Washington Times" газетасида эълон қилинган Л.Тод Вуднинг "Ўзбекистон диний бағрикенглик қарор топган юрт" мақоласида эътироф этилишича, "Исломнинг асл моҳиятини, уни араблар ёки радикаллар билан боғламасдан, чуқур тушуниш учун, албатта, сайёё сифатида ушбу заминга бориш керак. Шундан бир неча юз қачирим нарида – Афғонистонда бўлаётган уруш бир неча ўн йиллардан бери одамларнинг тинқисини қуритаётган бўлса, Ўзбекистонда христианлар, яҳудийлар ва мусулмонлар Самарқанд шаҳридаги ҳазрати Дониёр макбараси муқаддас қадимҳосида биргаликда дуо ўқишади, зиёрат қилишади".

Ҳозирги Ўзбекистон худудида ислом дини сунний йўналишининг ханафий мазҳаби қарор топанлиги ҳам беҳиз эмас эди, албатта. Чунки, Имом Аъзам мазҳаби ўзга динлар ва маҳаллий урф-одатларга нисбатан эркинлик бериши билан ажралиб турган. Ханафийлик таълимотини тақомиллаштиришга энг салмоқли ҳисса қўшган алломаларимиздан Имом Мотуридий, Абу Муин Насафий, Баҳоуддин Нақшбанд гоғийи тарафқашликка барҳам бериш, ислом динининг "аҳли сунна вал-жамоа" йўли барқарор бўлиб қолиши зарурлигини кенг тарғиб қилиб келганлар.

Жумладан, Мотуридий ислом оламида жуда кенг танилган "Таъвоил аҳли сунна" асариди. "Черков ва синагогаларни" вайрон этиш маъ этилади. Шунинг учун ҳам мусулмонлар юртида шу давргача улар бўзимлиқ сақла-ниб қолган. Бу масалада аҳли илм орасида ихтилоф йўқдир", деб қайд этган. Абу Муин Насафий ҳам "Ўзга дин вақилларига эҳтиром кўрсатиш ҳамда уларга сўзда ва амалда яхшилик қилинг" деб ўқтирган. Умуман, шарият бўйича бошқа динга эътиқод қилувчиларнинг барча моддий ва маънавий ҳуқуқлари, яъни мол-мулки, ҳаёти, диний эътиқоди, урф-одатлари, тили, маданий меросининг таҳдидсизлиги мусулмонлар зиммасида бўлган.

Мамлакатимизда 130 дан зиёд миллат ва элат вақил-лари тинч ва тотув яшаб келмокда, 16 та диний конфессияга мансуб 2242 та диний ташкилот рўйхатга олинган ва уларнинг ҳаммаси эркин фаолият олиб бормокда. Улар орасида Рус православ ҳамда Рим-католик церковлари, Яҳудийлар диний, Баҳойлар Қриштини аниқлаш жамоалари ва бошқалари қўрсатиш мумкин.

Бевосита Президентимизнинг кўрсатмаси бўйича 2017-2018 йилларда радикал диний оқимлар тарафдорлари бўлган ёки улар тасъирига тушиб қолган 20 мингдан зиёд кишининг ҳисобидан чиқарилиши халқимиз бағрикенглигининг амалий ифодаси бўлди. Шу билан бирга илгари диний-экстремистик ташкилотлар аъзоси бўлган 21 минг фуқаро оиласининг иқтисодий аҳоли ўрганилиб, уларга ижтимоий ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди.

Мамлакатда ёшларимизга муносив таълим бериш, уларнинг илм-фанга бўлган интилишларини рўёбга чиқариш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Янги университет ва институтлар, уларнинг филиаллари сони қўпаймокда, қабул квоталари бекор қилиниб, давлат бюрютмаси ва табақалашган тўлов-контракт тизимига ўтилмокда. Ёшларга бир вақтнинг ўзида бир неча олий ўқув юртига ҳужжат топишири имкониятининг берилиши уларнинг таълим олиш ҳуқуқларини янада кенгайтирмокда.

Ёшларни тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга фаол жалб қилиш учун уларнинг ўз гоғлари, бизнес режаларини амалга оширишга зарур шарт-шароитлар яратилмокда. Бу мақсадда "Yoshlar – kelajagimiz" Давлат дастури ишлаб чиқилди. 2019 йилда ушбу дастур асосида жағмарига 2 триллион сўмдан зиёд маблағ ажратилиб, шу орқали 50 мингдан ортқ янги иш ўрни яратилади.

Мафкура соҳасида бўшлиққа йўл қўйиб бўлмайди. Инсонда, айниқса ёшларда мустаҳкам эътиқодни шакллантириш жуда муҳим кундалик вазифадир. Уларнинг бирортаси жамиятдан, ўз тенгдошлари даврасидан ажралиб қолишга йўл қўймаслик, ёшларни илоҳи борица фаолликка, фан ва касб-хунар тўғрақлари, санъат фестиваллари, спорт мусобақаларига жалб қилиш муҳимдир.

Бу, айниқса уюшмаган деб ҳисобланадиган ёшлар учун сув ва ҳаводек зарур. Улар бир кун ҳам меҳнатчилликнинг, энг аввало Ёшлар иттифоқи ташкилоти фаолларининг эътиборидан четда қолмаслиги, таълим олиш, меҳнат фаолиятини амалга ошириш, ўз бизнесини ташкил этишда амалий ёрдам олиши зарур. Давлат-хусусий шериклик асосида янги замонавий ёшлар масканлари – маданият ва истироҳат боғлари ташкил этилиб, улар таркибиди биринчи навбатда, спорт майдончалари, амфитеатрлар, кутубхоналар ташкил этилаётганлиги шу мақсадга хизмат қилади.

Турли сабабларга кўра иш топа олмаган йигит-қизлар меҳнат бозорида талаб катта бўлган касб ва хунарларга ўргатиладиган бўлди. Ёш авлодининг соғлом ва бақувват бўлиб воғга етиши учун уларнинг жисмоний тарбия билан шуғулланиши ва спорт турларига жалб қилишга алоҳида аҳамият берилмокда. Энди қорхона ва ташкилотларда ҳам жисмоний тарбия машқларини ўтказиш жорий этилмокда.

Ёшларимиз юраги улғў зотларнинг авлодимиз, уларга муносив бўлайлик даъвати билан уриб турса, Ўзбекистон тараққиёт йўлидан янада шахдам қадам ташлаши, келажагимиз порлоқ бўлиши муқаррар.

Эркин ЭРНАЗАРОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист


Яккасарой тумани ҳокимининг ҚАРОРИ

ЯККАСАРОЙ ТУМАНИДА ИЖТМОИЙ МУҲОҒАЗАГА МУҲТОЖ, ИШ ТОПИШДА ҚИЙНАЛАЁТГАН ВА МЕҲНАТ БОЗОРИДА ТЕНГ ШАРТЛАРДА РАҚОБАТЛАША ОЛМАЙДИГАН ШАХСЛАРНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ УЧУН 2019 ЙИЛГА ИШ ЎРИНЛАРИНИНГ ЭНГ КАМ СОНИНИ БЕЛГИЛАШ ВА ЗАХИРАГА ҚЎЙИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонуни 7, 17-моддалари (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 1998 й., 5-6-сон 97-модда), "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги (янги тахрири) Қонуни 25-моддаси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 2008 й., 7-сон 353-модда), "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни 8-моддаси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 2008 й., 4-сон 190-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 июлдаги "Аҳоли бандлигини таъминлаш бораидаги ишларни тақомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3856-сон қарори (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz), 2018 йил 17 июль), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сон қарори билан тасдиқланган "Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тўғрисида"ги Низомга (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz), 2017 йил 11 декабрь) мувофиқ, ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун 2019 йилга иш ўринларини энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш бўйича туман махсус комиссиясининг 2018 йил 7 декабрдаги 999-сон баёнини инобатга олиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Яккасарой туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни



МОЗИЙГА ҚАЙТИБ ИШ КЎРМОҚ ХАЙРЛИДИР

Астойдил қилинган меҳнат бир
куни албатта рўёбга чиқади.

Ким минг бир азоб билан ўзига
йўл очади,
Ким очиб берилган тайёр йўлдан
қочади.

Фикрлаб турмасанг, занглаб қола-
сан.

Хамма нарсадан норози одам ас-
лида ўзидан норози бўлади.

Умр яшаш учун берилган, нолиш
учун эмас.

Орзу учун курашиш керак,
Зафар учун бирлашиш.

Ким хаёлни ҳақиқатга айлантира-
ди,
Ким ҳақиқатни хаёлга.

Соддалик оддийликда.

Гумон имондан айиради.

Йўлини билган қанд ёйди,
Йўлини билмаган панд ёйди.

Яхшилиқнинг иси чиқар,
Ёмонлиқнинг миси.

Уруғинг билан эмас, ҳосилинг би-
лан мактан.

Сабр қилган ютади,
Сабрсизлар йиқилади.

Вақтнинг ортидан югур,
Бирор иш қилиб улгур.

Гапи кўпнинг иши кам бўлади.

Куруқ сабрнинг ўзи кифоя эмас,
ҳаракат ҳам керак.

Қаноатсизлик кишини хор қилади.

Тасодиф гоҳ омад келтиради, гоҳ
кулфат.

Ким имкон қидиради, ким таскин.

Тушкунликнинг давоси — меҳнат.

Меҳнатдан зўр ҳабиб йўқ.

Тер тўккан куруқ қолмас.

Дарди йўқни тинглама.

Учкун ўз-ўзидан алангага айлан-
майди.

Меҳнат — буюк халоскор.

СОҒЛОМ ВА БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Чилонзор туман Кенгаши ва Ўзбекистон Миллий гвардияси тасарруфидagi 81140-сонли ҳарбий қисм ташаббуси билан ёш авлодни жисмонан соғлом, маънан етук, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, тинчлик ва осойишталикни қадрига етишга ўргатиш мақсадида “Мен ҳам ҳарбий бўламан” шиори остида тарғибот тадбири ташкил этилди.

Тарғибот тадбирининг биринчи қисми ҳарбий қисмда очик мулоқот тарзида ташкил этилди. Очик мулоқотда ҳарбий қисм командири Рустамбек Исаков сўзга чиқиб, тадбир иштирокчиларига она Ватан, ватанпарварлик, тинчликсеварлик каби тушунчаларнинг мазмун-моҳияти тўғрисида сўзлади. Ҳарбий қисм ва ҳарбийлар учун яратилган шарт-шароитлар билан таништириб, Ўзбекистон Миллий гвардиясининг мақсад ва вазифалари тўғрисида маълумотлар берди.

Тадбир давомида туман ҳокимининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари Абдурахим Халметов, туман ички ишлар бошқармаси бошлигининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари Алижон Қодиров, Ёшлар иттифоқи Чилонзор туман Кенгаши раиси Баходир Зиёвдидинов ва бошқалар сўзга чиқиб, ватанпарварлик борасидаги фикр ва мулоҳазаларини билдириб, устозлардан пухта билимларни эгаллаш лозимлиги, келажақда ҳарбий хизматга бориб, она Ватан сарҳадларини муносиб ҳимоя қиладиган ўғлонлар бўлиб вояга етишларига тилак билдиришди.

Ҳарбий қисм раҳбарияти ва раҳбар ўринбосарларига Ёшлар иттифоқи томонидан тайёрланган байрам табрикномалари топширилди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Миллий гвардиясининг асосий мақсад ва вазифаларини ўзида мужассам этган видеоролик намойиш этилди.

Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволлар билан мувожаат этиб, маълумотларга эга бўлишди.

Тадбирнинг иккинчи қисми ҳарбий қисм очик майдонда ташкил этилди. Унда тадбир иштирокчилари бўлган ёшлар учун Ўзбекистон Миллий гвардияси иш фаолиятида доимий фойдаланиладиган ҳарбий техникалар, жиноятчиларга қарши курашда ишлатиладиган қурол ва аслахалар намойиш этилди. Ҳарбий қисм хизматчилари томонидан ҳар бир техника ва қурол аслахалар бўйича ёшларга маълумотлар берилди.

Тадбир якунида ҳарбий қисм хизматчилари томонидан кўргазмалли чиқишлар, жанговор тайёргарлик намойиш этилди.

Ҳаёт сабоқлари

Маълумки, агар муваффақият қозона олмасак уйда ёки ишда озгина муаммоларга дуч келсак ҳаёт тажрибамиз бир оз панд берса, дарҳол бизни тушкун кайфият ўраб олади. Тушкунлик эса ҳеч вақт бу ноқулай вазиятдан олиб чиқолмайди. Ўзимизни ўнглаб олишининг ягона йўли иродали ва кучли мантикий тафаккурга эга бўлишдир.

ИРОДАЛИ БЎЛИШНИНГ ОЛТИ УСУЛИ

Бугунги кун нафаси билан яшанг. Ўтмишда йўл қўйган хатоларингизни, муаммоларингизни бир муддат эсдан чикаринг. Келажагингиз бугун қўйдангиз қадамингизга боғлиқлигини унутманг. Сиз учун ҳар кун янги кун бошланиши кераклигини ҳис қилинг. Чунки ўз муаммоларингиз ҳақида ўйлаб, қайғургангиз билан масала ўз ечимини топмайди, сиз эса беҳуда тушкунликка тушиб қоласиз ва мулоҳазаларини билдириб, устозлардан пухта билимларни эгаллаш лозимлиги, келажақда ҳарбий хизматга бориб, она Ватан сарҳадларини муносиб ҳимоя қиладиган ўғлонлар бўлиб вояга етишларига тилак билдиришди.

Муаммога четдан назар ташланг. Масалан, сиз учун каттароқ ва чигал ҳисобланган муаммо бошқалар учун арзimas бўлиши мумкин. Муаммоларингизга узоқроқдан туриб разам солинг, хафа бўлишга қанчалар ҳақли эканингизни ўйлаб кўринг. “Балки бундан ҳам қийинроқ вазиятга тушиб қолишим мумкин эди-ку”, деган фикр билан ҳозирги аҳволингизга нисбатан сабрли ва шукрли бўлинг. Шунда сизни қийнаган муаммо аслида ҳеч нарса эканини англайсиз.

Ҳаётни борлигича қабул қилинг. Баъзи кишилар ҳаётни ўзим бошқараялман, деб ўйлайдилар. Гарчи шундай кўринса-да, аслида ҳаёт инсонни бошқаради. Доим муваффақиятга эришиб келган киши бир гал панд эса, бунинг зарбини кўтара олмайди. Сабаби, у ҳаётни борича қабул қила олмайди. Бундай кишилар доим ўз хоҳиш-истаклари амалга ошириш керак деб ҳисоблайдилар. Омад юз ўтирганида мувожазатни йўқотиб қўядилар. Ҳаётни борлигича қабул қилиш эса кунда етти бор йиқилиб, етти бор ўриндан туришини ўргатади.

Ирода барчамиз учун керакли нарса. Аммо ҳамма ҳам ўзида бу кучни топа олмайди. Ирода-сизлик инсонни фаолликдан узоқлаштириши мумкин. Ҳаракатсиз, ғайратсиз инсон эса эртанги кунга ишона олмайди ва муваффақиятга эришиши қийин кечади. Ҳаёт синовларидан ўта олиш учун иродали бўлишимиз лозим. Ҳар бир қўлгаган нарсани бундан ҳам кўркамроқ қилиб тиклаш мумкинлигини ёдда тутинг ва бунга урдалаш учун ўзингизга қайтадан имконият беринг. Шунда энг мустаҳкам иродага эришингиз мумкин.

О. ЯХШИБОВЕВ тайёрлади

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТЛАР ДИКҚАТИГА!

Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Фарход кўчаси, 3-А уйда жойлашган “Ўзсанотқурилишбанк” АТБ Учтепа филиали биносининг 1-қаватини муҳаммал таъмирлаш объектига пудратчи ташкилотлар ўртасида

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Танловни ўтказиш тартиби ва шартлари тўғрисидаги батафсил маълумотни қуйидаги манзилдан олиш мумкин: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Фарход кўчаси, 3-А уй. Телефонлар: (71) 274-97-08, (71) 275-92-54.

Ишлар қийматлари кўрсатилган тижорат тақлифлари алоҳида конвертга жойланган ва корхона муҳри билан тасдиқланган ҳолда эълон чиққан санадан бошлаб 7 кун муддат ичида қабул қилинади.

КУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИКҚАТИГА!

Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Уч Қаҳрамон кўчаси, 1-уйда жойлашган “Ўзсанотқурилишбанк” АТБ Юнусобод филиали биносининг янги ишлаб чиқилган биносининг 1-2-қаватида реконструкция ишларининг лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилган, махсус лицензияси бор, камида 5 йил тажрибга эга қурилиш ташкилотлари ўртасида

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Танловни ўтказиш тартиби ва шартлари тўғрисидаги батафсил маълумотни қуйидаги манзилдан олиш мумкин. Тошкент шаҳри, Уч Қаҳрамон кўчаси, 7-уй. Телефонлар: (371) 221-00-01, 221-82-09. Нархлари фойдада кўрсатилган тижорат тақлифлари алоҳида конвертга жойланган ва корхона муҳри билан тасдиқланган ҳолда эълон чиққан санадан бошлаб 7 кун муддат ичида қабул қилинади.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 июлдаги 327-сонли қарори ҳамда Тошкент туманлараро иқтисодий судининг тугатиш тўғрисидаги хал қилув қарори 08.01.2019 йилда қабул қилинди ва унга мувофиқ илоава келтирилган корхоналарга нисбатан тугатиш ҳаракати бошланди.

1	METAL SERVICE GROUP	4-1001/1812/31953	МЧЖ
2	PRESTO SERVICE	4-1001/1812/31954	МЧЖ
3	IVORY PLACE	4-1001/1812/31955	ХК
4	ASBT	4-1001/1812/31957	МЧЖ
5	PERSPECTIVE PROFIT	4-1001/1812/31958	МЧЖ
6	MASTER FOOD BURGER	4-1001/1812/31959	МЧЖ
7	NIDDIRHAF	4-1001/1812/31960	МЧЖ
8	LUMMY BUILD SERVICE	4-1001/1812/31961	МЧЖ
9	VOSTOK PRIARALYE	4-1001/1812/31963	МЧЖ
10	NUR MAKES	4-1001/1812/31962	МЧЖ ХК
11	METROLOG GAZ STANDART	4-1001/1812/31964	МЧЖ
12	SELYAVI	4-1001/1812/31931	МЧЖ
13	TROTUAR ENGINEERING	4-1001/1812/31932	МЧЖ
14	MAXI NEXT TRADING	4-1001/1812/31933	МЧЖ
15	RUTEL TECHNOLOGY	4-1001/1812/31934	МЧЖ
16	HIGH IRON SERVICE	4-1001/1812/31935	МЧЖ
17	BEST FLEJO	4-1001/1812/31936	МЧЖ
18	JALOLIDDIN KONSALT	4-1001/1812/31937	ХК
19	BEKAS-QURILISH	4-1001/1812/31938	МЧЖ
20	LUXURY ART BUILDING	4-1001/1812/31939	МЧЖ
21	MIDDLE ASIA GROUP	4-1001/1812/31940	МЧЖ
22	ALIUR TOM QURILISH	4-1001/1812/31941	МЧЖ
23	IZULI-BIZNES	4-1001/1812/31942	МЧЖ
24	DAVRON RUSTAM SAVDO	4-1001/1812/31943	МЧЖ
25	GS SERDEK	4-1001/1812/31944	МЧЖ
26	PEKUT MAGNAT GROUP	4-1001/1812/31945	МЧЖ
27	TAOMLAR ZIYNATI	4-1001/1812/31946	МЧЖ
28	INVENT-PLAST	4-1001/1812/31947	МЧЖ
29	SSJ DESIGN GROUP	4-1001/1812/31948	МЧЖ
30	DOG GROOM	4-1001/1812/31949	МЧЖ
31	GOLD LOGISTICS	4-1001/1812/31950	МЧЖ
32	MISS MUBINA BONU	4-1001/1812/31951	МЧЖ
33	NODIRA SAVDO BIZNES	4-1001/1812/31952	МЧЖ

Маъмур корхоналарнинг дебитор ва кредиторлик даъволари 3 ой муддат мобайнида Яқкасарой тумани ҳокимияти тугатиш комиссияси томонидан қабул қилинади.

Корхоналарнинг йиғма жилди шунингдек, Давлат рўйхатида олинганлиги тўғрисидаги гувоҳномалар ва барча низоом таъсис ҳужжатларининг асл нусхалари ҳамда дума-лоқ муҳр ва бурчак тамгалари

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Мурожаат учун телефон: (71) 231-88-14.

ТАШКИЛОТЛАР ДИКҚАТИГА!

Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Истиклол кўчаси, 25-уй манзилида жойлашган “Ўзсанотқурилишбанк” АТБ Мирзо Улуғбек филиалининг биносинда реставрация ва қайта тиклаш ишларини олиб бориш бўйича пудрат ташкилотлари ўртасида

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Танловни ўтказиш тартиби ва шартлари тўғрисидаги батафсил маълумотларни қуйидаги манзилдан олиш мумкин: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Истиклол кўчаси, 25-уй. Телефонлар: (71) 232-04-99, (93) 388-03-99, (93) 570-17-36.

Нархлари кўрсатилган тижорат тақлифлари алоҳида 2 қаватли хатжилда жойланган ва корхона муҳри билан тасдиқланган ҳолда эълон чиққан санадан бошлаб 7 кун ичида қабул қилинади.

ТАШКИЛОТЛАР ДИКҚАТИГА!

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси томонидан 28.07.2016 йил Т № 000860 – рақамли гувоҳнома билан рўйхатдан ўтган реестр тартиби рақами 859 бўлган “JAFAR HIMOYA” адвокатлик бюроси 5.01.2019 йилдаги қарорга асосан ихтиёрий равишда

ТУГАТИЛАДИ

Эътирозлар эълон нашр қилинган кундан бошлаб бир ой давомида қуйидаги манзил орқали қабул қилинади. Олмазор тумани, Кичик халқа йўли кўчаси, 165-уй. Тел: (97) 770-14-78.

“Яқкасарой тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри” давлат корхонаси томонидан Яқкасарой тумани, Жамшид Шойиш кўчаси 1-муқолиши, 1-уй учун Ходжаханов Азиз Авазович номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолишига сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ



Ўзгидромет

Тошкент шаҳрида 18 январь кунини ҳаво ўзгариб туради, куннинг иккинчи ярмида ёмғир ёғади. Шарқдан гарбга йўналишни ўзгартирган шамол секундида 5-10, кучайган ҳолда 12-17 метр тезликда

эсади. Ҳарорат кечаси — 4-6, кундузи — 12-14 даража илқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 18 январда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32



Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г-146

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: (0-371) 233-28-95,
факс: (0-371) 233-29-55

Душанба, сешанба, chorshanба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Навр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
2018 нусхада босилди.
Қўғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13:00

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаамтига» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета тахририят компьютер терминалида терилди ва сақланган.

Навр учун масъул

О. Ҳазратов

Босишга топширилди: 13:50

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ